

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ  
ЗОНАЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

**Ходиев Баходир Юнусович** -

Корея давлатининг Кемён университетининг  
Фахрий доктори, иқтисод фанлари доктори, профессор;

**Зияев Турғун Муслимович** -

ТДИУ “Фундаментал иқтисодиёт” кафедраси фахрий  
аъзоси, иқтисод фанлари номзоди, доцент,  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети фахрий доктори;

**Исроилова Шоира Турғуновна** -

Иқтисод фанлари номзоди, доцент;

**Ёқуб Дилдора Турғуновна** -

Тошкент ноширлик – матбаа фаолияти соҳасида  
мутахассисларни тайёрлаш коллежи умумқасбий фанлар  
кафедраси катта ўқитувчиси, ТДИУ мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада хорижий инвестицияларни жалб этишининг муҳим омили бўлган эркин иқтисодий зоналарни роли ва ривожланиш истиқболлари таҳлил қилинган.

**Таянч иборалар:** инвестиция, ҳудуд, техника ва технология, иш ўринлари, рақобатбардош маҳсулотлар, эркин иқтисодий зона, божхона тўловлари, инфраструктура.

РОЛЬ И МЕСТА СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН В ПРИВЛЕЧЕНИИ  
ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИИ

**Ходиев Баходир Юнусович** –

Почетный доктор университета Кимён государства  
Корея, доктор экономических наук, профессор,

**Зияев Турғун Муслимович** –

Почетный член кафедры “Фундаментальной экономики”  
ТГЭУ кандидат экономических наук, доцент, Почетный доктор ТГЭУ

**Исроилова Шоира Турғуновна** –

Кандидат экономических наук, доцент,

**Ёқуб Дилдора Турғуновна** –

Старший преподаватель кафедры обще профессиональных  
дисциплин Ташкентского профессионального издательско –  
полиграфического колледжа, независимый исследователь ТГЭУ

**Аннотация:** В статье освещены роль и места свободных экономических зон в части привлечения иностранных инвестиций.

**Ключевые слова:** инвестиция, регион, техника и технология, рабочие места, конкурентноспособные продукты, свободная экономическая зона, таможенные платежи, инфраструктура.

THE ROLE AND PLACE OF FREE ECONOMIC ZONES IN ATTRACTING FOREIGN INVESTMENT

**Khodiyev Bohodir Yunusovich** –

Honorary Doctor, Doctor of Economics, Professor, Kemyon University, Korea

**Ziyayev Turgun Muslimovich** –

Honorary Member of the Department of Functional  
Economics, Candidate of Economic Sciences, Associate Professor

**Isroilova Shoira Turgunovna** –

Candidate of Economic Sciences, Associate Professor

**Yoqub Dildora Turgunovna** –

Senior Lecturer, Department of General Professional  
Sciences, Tashkent College of Publishing and  
Printing, Independent Candidate of Doctoral Studies, TSUE

**Annotation.** This article analyses role and development of Free economic zones, as one of the main factors of increasing Foreign direct investment Flows.

**Keywords:** investment, region, technologies, job vacancies, competitive products, Free economic zone, tariffs, infrastructure.

**Кириш.** Эркин иқтисодий зона бу янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий рақобатдош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, муҳандислик – коммуникация, йўл-транспорт ижтимоий инфратузилмани ва логистика хизматларини ривожлантиришни мақсадларида ташкил этиладиган ҳудуд ҳисобланади.

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг асосий мақсади, бу – инвестицияларни жалб қилиш, аҳолининг бандлиги даражасини ошириш, хўжалик юритувчи субъектлар дарамадларининг ўсишини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, ишлаб чиқаришга прогрессив технологияларни олиб кириш, жаҳон андозаларига мос келувчи товарларни ишлаб чиқаришдир.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Ер юзиди дунёнинг 150 га яқин давлатида 5400 дан ортиқ эркин иқтисодий ҳудудлар мавжуд.

Илк мартаба (ЭИХ) 1934 йилда АҚШда эркин ташқи савдо ҳудуди кўринишида ташкил этилган. Энг омадли тажриба 1982 йилда Англияда қайд этилган бўлиб, 2000 гектар ер майдонида ташкил этилган ҳудудда 4000 га яқин янги ишчи ўринлари яратилиб, 1 миллиард фунт стерлинга яқин хорижий инвестициялар киритилган.

Бирлашган Араб Амирликларини Дубайда жойлашган “DP WORLD” йирик компанияси дунёнинг кўплаб мамлакатларида тармоқларига эга. Жаҳоннинг 40 та давлати билан ҳамкорлик қилиб, дунёнинг 80 га яқин портларида фаолият олиб боради. Агар Дубай Амирлигидаги эркин иқтисодий зоналар ҳақида гапирадиган бўлсак, бугунги кунда бу ерда 130 минг одам ишлайди ва 450 минг киши бевосита жараёнга жалб этилган. Эркин иқтисодий зонанинг Амирлик ялпи ички масулотидаги улуши 30 фоизни ташкил қилади. Бу иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади [1]. Бундай ижобий кўрсаткичларни дунёнинг бошқа мамлакатлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда дунёнинг аксарият давлатларида, хусусан, АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Мексика, Руминия, Венгрия, Болгария каби мамлакатларда ҳудуднинг жўғрофий ва бошқа қулайликларидан келиб чиққан ҳолда, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш анъанага айланган. Бундай зоналарни ташкил этишдан асосий мақсад минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл инвестицияларини, истиқболли технология ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этиш орқали унинг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ва ижтимоий соҳани ривожлантириш орқали замонавий бозор

инфратузилмаларини ташкил этишдан иборатдир.

Ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий барқарорликка эришишида эркин иқтисодий зоналарнинг ўрни катта. Бу каби зоналар аҳамияти мамлакат тараққиётининг иқтисодий, ижтимоий, демографик мезонлари билан белгиланади. Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишга аҳамият берилмоқда.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А Вахабов, Ш.Ҳажикакиев, Н.Мўминов, Д.Ғозибеков, Д.Тожибоева, Киев, Н.Мўминов, Д.Ғозибеков, Д.Тожибоева, Махмудовалар томонидан инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти юзасидан илмий изланишлар олиб борилган ва муносабат билдирилган. А.Вахабов, Ш.Ҳажикакиев, Н.Мўминовлар томонидан инвестицияларнинг мазмун-моҳияти бўйича баён этилган таърифда: «инвестициялар - фойда олиш ҳамда ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик объектларига ва бошқа фаолият турларига қўйиладиган пул маблағлари, банкларнинг мақсадли омонатлари, акциялар, бошқа қимматли қоғозлар, технологиялар, машиналар, ускуналар, лицензиялар, кредитлар, ҳар қандай бошқа мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар, интеллектуал бойликлар», деб таърифланган [3 с. 24].

Хорижий инвестицияларнинг умумий таърифи Ф. Хениуснинг 1947 йил АҚШда чоп этилган ташқи савдо луғатининг 2-нашрида қуйидагича берилган: “Хорижий инвестициялар – бу бир мамлакат ҳудудидан иккинчи мамлакат ҳудудига киритилган, экспорт қилинган инвестициялар” [4 с. 35]. Бундан ташқари, профессор Д.Ғозибековнинг хорижий инвестициялар тўғрисидаги назарий қарашларида қуйидаги фикрлар баён этилган: “Чет эл инвестициялари бир иқтисодиёт субъекти капиталини ўзга иқтисодиётга муайян муддатга боғлаш бўлиб, ички инвестициялардан рисклар кенглиги билан фарқланган ҳолда, ҳуқуқий шароитларнинг, инвестиция муҳитининг ўзгариши билан тавсифланади ва натижада мамлакатлар ва минтақалар бўйлаб капитал кўчиши юз беради” [5 с. 14]. Ушбу фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, хорижий инвестициялар бир мамлакат иқтисодиётидан мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётига кўчувчи капитал бўлиб, у рисклар доираси кенглиги билан ички инвестициялардан фарқланади.

Шунингдек, иқтисод фанлари доктори Н.Қўзиёевнинг илмий ишларида хорижий инвестицияларнинг моҳияти тўғрисида: “Келгусида фойда олиш мақсадида капитални экспорт қилувчи хорижий давлатлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг капитални қабул қилувчи мамлакатларга турли кўринишдаги бойликлар

(кўчар, кўчмас мол-мулк, интеллектуал бойликлар ва бошқалар) ва улардан олинган даромадлар (фойда, фойзалар, дивидендлар, лицензия ва комиссия мукофотлар, роялти, техник таъминот ва бошқа мукофотлар)ни қўйилишига хорижий инвестициялар дейилади” [6 с. 66] деган таъриф келтирилган. Олиманинг фикрича, хорижий инвестицияларни турли белгиларига асосланган ҳолда таснифлаш уларнинг иқтисодий моҳиятини янада ойдинлаштиради. Ш.Қ.Фозилчаев ва Н.Ғ. Хидировларнинг “Инвестиция ва лизинг асослари” китобида хорижий инвестицияга қуйидагича таъриф келтирилган: “Хорижий инвестициялар – бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликларидир” [7].

Шунингдек, иқтисодчи олимлар К. Эклунд, Ж. Кейнс, М. Сорнаражаҳ, В.Н.Шербаков, К.В. Балдин, В.М.Аскинадзи, В.Ф. Максимов, Э.С. Хазанович, Али Салим, Муҳаммад Реза Раза̀ви, Лиу Ванг ва Н.Ғ.Каримов, Ш.Х.Ҳажибакиев, Н.Ғ.Мўминов, Ш.И.Мустафақулов, М.А.Раимжонов, Б.С.Мама-тов, Д.Ю. Хўжамқуловларнинг илмий ишларида инвестицион муҳит жозибадорлиги, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш муаммоларига бағишланган масалалар кўриб чиқилган [8].

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада илмий абстракция, деалектик тадқиқот, индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, тизимли қиёсий таҳлил, иқтисодий статистик усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Эркин иқтисодий зона – мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этишнинг муҳим омилидир ва иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуриш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш имкониятини яратади:

- мамлакат ҳудудларини ривожлантириш;
- янги иш ўринларини яратиш;
- таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш жараёнларини ривожлантириш;
- юқори қўшимча қийматга эга бўлган технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш;
- мамлакатни ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларини мустаҳкамлаш ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралда қабул қилинган “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонунида кўрсатилишича

махсус иқтисодий зоналар қуйидаги турда ташкил этилиши мумкин:

- эркин иқтисодий зоналар;
- махсус илмий – технологик зоналар;
- туристик – рекреацион зоналар;
- махсус саноат зоналари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги Фармони билан Навоий вилоятида «Эркин индустриал – иқтисодий зона (ЭИИЗ)» ташкил этилиши эълон қилинди. Унинг фаолият қилиш муддати ҳозирча 30 йил қилиб белгиланган, кейинчалик яна узайтирилиши мумкин. “Навоий” эркин иқтисодий зонанинг умумий майдони 564 гектар.

Ушбу зонадаги қитъалараро интермодал логистика маркази МДХда ягона бўлиб, у ерда юклар тезкорлик билан туширилади ва ортिलाди, тақсимланади, махсус омборларга жойлаштирилади. Осиёдан Европага ва Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланадиган ана шу марказдан ўтади.

Эркин иқтисодий зонада фаолият юритадиган инвесторларга ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан махсус божхона, солиқ, валюта ва чет эл фуқароларининг кириб-чиқиши соддалаштирилган режим тўғрисида бир қатор норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

“Навоий” эркин иқтисодий зонасида 2010-2016 йилларда 22 та лойиҳа амалга оширилиб, 904 иш ўрни яратилди. 2017-2019 йилларда 32 та лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 1650 зиёд иш ўрни яратилди. Бу муддатда электротехника, фармацевтика ва тиббиёт буюмлари, машинасозлик ҳамда автомобилсозлик, қурилиш материаллари, кимё ва нефть кимёси маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Худудда мармар ҳамда гранит ва композит тошлар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Бундан ташқари, 2018-2019 йилларда умумий қиймати 84,5 миллион АҚШ доллари тенг бўлган алюминий профиллар, аксессуар ҳамда бутловчи қисмлар тайёрланадиган 4 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

2019 йил 1 январь ҳолатига қўра, иқтисодий зонада умумий қиймати 276,2 миллион долларлик 39 корхона фаолият кўрсатган. 2019 йил давомида иқтисодий зонада 27 янги тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган ва улар томонидан жалб этилган инвестиция лойиҳаларининг умумий қиймати 437 миллион долларни ташкил қилди. Худуддаги тадбиркорлик субъектларининг сони эса 66 тага етди [2].

2021 йил 1 январь ҳолатига қўра ушбу эркин иқтисодий зонада амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти 3257,2 млрд. сўмни, молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми 1267,4 млрд. сўмни ташкил этди ва

2020 йилда 1628 та янги иш ўринлари яратилди [3].

Бугуни кунда бу ерда Жанубий Корея, Буюк Британия, Италия, Хитой, БАА, Хиндистон, Сингапур, Россия давлатлари билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. ЭИЗ ҳудудида жойлашган корхонларда 100 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш йўлга қўйилган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар МДХ мамлакатлари, Украина, Литва, Польша, Чехия, Германия, Канада, АҚШ ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелда “Ангрен” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжат асосида индустриал зонада хорижий ва маҳаллий сармоядорлар томонидан юқори ва замонавий технологияларга асосланган истиқболли инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилгани кутилган самараларни бермоқда.

Бугунги кунда “Ангрен” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида умумий қиймати 233,9 миллион АҚШ долларилек 22 та корхона фаолият юритмоқда. Бунинг учун йўналтирилган маблағнинг 163,1 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Хитой, Жанубий Корея, Буюк Британия, Россия, Болгария, Австрия ва Сингапур давлатлари томонидан киритилган сармоялар ҳисобига 14 та лойиҳа ишга туширилганлиги эътиборга лойиқ. Яратилган иш ўринлари сони 2 мингтадан ошди. Бу ерда тоғ-кон, тўқимачилик, қурилиш, энергетика, машинасозлик, озиқ-овқат, мебелсозлик соҳаларида замонавий корхоналар ишга туширилди.

Хусусан, 2013-2018 йил давомида “Ангрен” махсус иқтисодий зонасида қиймати 180,8 миллион АҚШ долларилек 10 та инвестициявий лойиҳа рўёбга чиқарилди. Бу маблағларнинг 133,8 миллион долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди.

Шунингдек, хорижнинг етакчи фирма ҳамда компаниялари ҳамкорлигида турли ўлчамдаги мис қувурлари, техник кремний, энергия тежовчи диод лампалар, кўмир брикетлари ва замонавий қурилиш-пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кўплаб корхоналар фаолияти йўлга қўйилган.

2018-2021 йилларда “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида умумий қиймати 600 миллион АҚШ долларилекдан зиёд 42 та лойиҳа рўёбга чиқарилиши кўзда тутилган. Уларнинг тенг яри хорижий инвестициялар ҳиссасига тўғри

келади. Мазкур лойиҳалар туфайли 6 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Биргина 2020 йилда мазкур иқтисодий зонада амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари 4229,8 млрд. сўмни, молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар 951,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 1837 та янги иш ўринлари яратилди.

Президентимизнинг 2013 йил 18 март куни қабул қилинган “Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этишга оид Фармони мувофиқ, мазкур ҳудудда яна бир саноат зонаси ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишдан иборатдир.

Мамлакатимизда Ўзбекистон-Хитой саноат паркни барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро англашув меморандумига мувофиқ ташкил этилган мазкур махсус индустриал зона фаолиятининг асосий вазифалари юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган корхоналар ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантиришдир.

Ҳозирги кунда “Жиззах” махсус индустриал зонаси ҳудудида, транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик – коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Ушбу ҳудудда хитойлик инвесторларга қулай шароит ва переференциялар яратилган. Бундай ҳамкорлик икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади. Ўзбекистон ва Хитой ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларга туртки беради. Шунингдек, учинчи мамлакатлар бозорига чиқиш учун имкониятлар яратади. “Жиззах” ЭИЗда тузилган, “Пенгшен” саноат парк юқори технологияли ишлаб чиқариш субъектларини яратишга мўлжалланган бўлиб, у ерда юқори қўшимча қийматли рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу ҳудудда Франциянинг “Пежо Ситроен” гуруҳи билан ҳамкорликда автомобиль заводи ҳам барпо этилди. Заводда йўловчи ва юк ташишга мўлжалланган “Пежо Экспорт” ва “Пежо Боксер” тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш ва 600 дан ортиқ иш ўрни яратилиб корхона 2019 йилнинг охиридан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Йилига 16 минг дона замонавий автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга корхона маҳсулоти ички бозордан ташқари, МДХ мамлакатлари, Эрон, Франция ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Бугунги кунда “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида лойиҳа қиймати 51 миллион 400 минг АҚШ долларига тенг 15 та корхона ташкил этилган. Натижада, 774 та иш ўрни яратилди. 2018 йилда бу ерда 196 миллион 500 минг АҚШ долларлик сармоя эвазига яна 5 та корхона фаолият бошлади ҳамда 1800 кишини бандлиги таъминланди.

Ушбу эркин иқтисодий зонада 2020 йилда 679,1 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди, асосий капиталга инвестициялар барча молиялаштиришнинг манбалари ҳисобидан 171,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2005 та янги иш ўринлари яратилди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришнинг энг муҳим омили сифатида эркин иқтисодий зоналарни изчил ривожлантириш борасида янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 26 октябрда қабул қилинган “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида мамлакатимизда фаолият юритаётган “Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” маҳсулоти иқтисодий зоналар эркин иқтисодий зоналарга айлантирилиб, унинг иштирокчиларига қўшимча қулайлик ҳамда преференциялар берилди.

Ташқи бозорларда талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган минерал-хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитларни яратиш, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан комплекс ва смарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги Фармони билан “Ургут”, “Ғиждувон”, “Кўқон” ва “Хазарасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этилиши эълон қилинди ва зоналарнинг бутун фаолият кўрсатиш даврида солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиниши кўрсатиб ўтилди. Бугунги кунда ушбу зоналар самарали фаолият олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда республикамизга дунё фармацевтика саноатида ишлаб чиқарилаётган 6300 номдаги дори-дармон воситалари импорт қилинаётгани, фармацевтика корхоналарининг хорижий хом ашё ва материалларга боғлиқлиги соҳа ривожига асосий тўсиқ бўлиб қолаётганини бартараф этиш мақсадида, ҳамда халқаро

тиббиёт амалиётида фойдаланилаётган 350 турдаги доривор ўсимликлардан 711 таси ўзимизда етиштирилаётгани талаб ва эҳтиёж катта бўлган дори-дармон воситаларини маҳаллий шароитда узлуксиз ишлаб чиқариш учун етарли эмаслиги ҳисобга олиниб, Президентимизнинг 2017 йил 3 май куни “Нукус-Фарм”, “Зомин-Фарм”, “Косонсой-Фарм”, “Сирдарё-Фарм”, “Бойсун-Фарм”, “Бўстонлик-Фарм” ва “Паркент-Фарм” эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Бу Фармонда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, мавжуд камчиликларни ечимини топиш, фармацевтика саноати ривожига хисса қўшувчи ишлаб чиқарувчи субъектларга қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллийлаштириш жараёнларини янада фаоллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилган.

Эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан инвестиция киритилганда бир қатор солиқ ажратмалардан, божхона тўловларидан озод этилиши белгилаб қўйилди. Бундай имтиёз ҳамда қулайликлар, табиийки, сармоядорлар қизиқишини ошириш баробарида, Фармондан кўзланган асосий мақсад ички бозорни кенг турдаги, сифатли дори-дармонлар ҳамда тиббиёт буюмлари билан янада тўлдиришга хизмат қилиши тайин.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 ноябрдаги Фармонида кўра Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги тузилди. Доривор ўсимликлар етиштириш, уларни қайта ишлаш, инвестициялар жалб этиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун кенг имкониятлар яратилди.

Буларнинг натижасида сўнгги беш йилда 71 та янги корхона ташкил этилиб, 2 минг 500 дан ортиқ турдаги дори воситалари, 241 турдаги тиббий буюмлар ва 78 турдаги тиббий техника ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 2 баробар ошди.

Лекин бу натижалар ҳали етарли эмас. Бугунги кунда маҳаллий корхоналар ички бозор талабини натурал ҳажмда 55 фоизга таъминламоқда, холос.

Келгуси беш йилда тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини 80 фоизга етказиш вазифаси қўйилган. Шу мақсадда 2022-2026 йилларга мўлжалланган истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилган ва юртимиздаги доривор ўсимликларни чуқур қайта ишлаш орқали экспортни 15 миллион долларга етказиш ҳамда 5 мингдан ортиқ аҳолини иш билан таъминлаш режалаштирилган[4].

Сирдарё вилоятининг ишлаб чиқариш салоҳиятидан комплекс ҳамда оқилона фойдала-

ниши таъминлаш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ва маҳаллий аҳолининг даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги Фармони билан “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасини ташкил этилиши эълон қилинди ва унинг асосий вазифалари ҳамда қўшимча қулайликлар, преференциялар белгилаб берилди. Ҳозирги пайтда бу зонада кенг қамровли самарали ишлар йўлга қўйилмоқда.

Бугунги кунда “Сирдарё” эркин иқтисодий зонаси Сирдарё вилоятининг марказига айланган дейиш мумкин. Унинг майдони 660 гектар. Мазкур ҳудуднинг икки қисмида янги лойиҳаларни ишга тушириш ҳаракатлари бошланган бўлса, қолганида доривор ўсимликлар ўстирилади. Эркин иқтисодий зона тез орада яна юзга яқин инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши туфайли 7 минг 500 та қўшимча иш ўрни яратиладиган катта салоҳиятли ишлаб чиқариш майдонига айланади.

Кейинги йилларда “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасида фармацевтика тармоғи тез суръатларда ривожланмоқда ва 4 та йирик лойиҳа бажарилди. Натижада “Темур Мед Фарм”, “Река Мед Фарм”, “Навуген Пхарма” ва “Бахт текс Фарм” корхоналарида инфузион эритмалар, таблеткалар, фармацевтика шиша идишлари каби тиббий ва дори воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2020 йилда Сирдарё вилоятини ялпи ички маҳсулоти 2016 йилга нисбатан 116,2 фоизга ўсди. Бунда, албатта эркин иқтисодий зона корхоналарининг катта улуши бор.

Ташқи бозорларда талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришни таъминлайдиган замонавий иссиқхона хўжалиқларини ташкил этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитларни шакллантириш, шунингдек, Бухоро вилоятининг ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 июлдаги “Бухоро-Аграр” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди. “Ўттиз йиллик муддатга ташкил этилаётган “Бухоро-агро” эркин иқтисодий зонасининг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини етиштиришдан иборат бўлади. Иссиқхона хўжалиқларини гидропоника технологияларини қўллаган ҳолда кластер усулида ташкил этиш учун тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Яқин келажакда бу эркин иқтисодий зона ўз самарасини беради.

Президентимизнинг 2019 йил 14 январдаги фармони билан “Андижон Фарм” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилди, бу зонага Хиндистон давлатининг инвестицияси кенг жалб этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 13 сентябрдаги фармони асосида “Чироқчи” (ЭИЗ) ҳам ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 13 мартдаги “Термиз иқтисодий зонаси фаолиятининг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Термиз” ЭИЗ ташкил этилди. Хужжат билан мазкур зона бошқарув тизими янада такомиллашиб, зарур муҳандислик – коммуникация, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаш орқали Сурхондарё вилоятида қулай инвестиция муҳити яратилди. Термиз тумани, “Айритам” маҳалласида 54,6 гектар жой шу мақомда бўлиб, 38,6 гектар ер майдони ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ажратилган ҳамда 20 та лот белгилаб олинган. Қолган 16 гектар ер майдони ички йўллар ҳамда муҳофаза зоналарига ажратилган.

“Термиз” эркин иқтисодий зонаси 20 турдан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, экспорт қилиш, шунингдек, саралаш, қадоқлаш, ҳамда товар айрбошлашга ихтисослаштирилган. Иқтисодий зонада асосан техника воситалари, ун ва ун маҳсулотлари, чинни идишлар, қурилиш фасад материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритиб, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Ҳозирги кунда 10 гектар ер майдони 7 та инвестиция лойиҳалари учун ажратиб берилиб, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан қурилиш ишлари бошлаб юборилган, натижада 2220 та янги иш ўринлари яратилади.

2021-2025 йилларда “Термиз” иқтисодий зонасида режалаштирилаётган 120 та йирик инвестиция лойиҳаларини тўлиқ амалга ошириш ҳисобига йилига 1 триллион 100 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 140 миллиард сўмлик бюджетга қўшимча равишда маблағлар тушуми 12 минг нафар янги иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилмоқда[5].

Юртимизда 2008-2016 йиллар давомида фақатгина 3 та эркин иқтисодий зона ташкил этилган бўлса, Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг тегишли фармон ва қарорлари асосида кейинги қисқа вақт мобайнида уларнинг сони 23 тага етказилди (1-жадвал).

Президентимизнинг 2017 йилдаги “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан қулай инвестиция муҳитига эга бўлган эркин иқтисодий саноат зоналарини ташкил этиш борасида ҳам самарали ишлар

олиб борилмоқда. Айни кунда яъни 2021 йил 1 август ҳолатига кўра мамлакатимизда ҳар бир худуд аҳолисининг ўз тадбиркорлик ғоялари ва ташаббусларини йўлга қўйишлари учун барча

зарурий инфратузилма билан таъминланган 23 та эркин иқтисодий ва 348 та кичик саноат зонаси фаолият олиб бормоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар[4]

№	Номи (ЭИЗ)	Ташкил этилган вақти
1	“Навоий”	2008 йил 2 декабрь
2	“Ангрен”	2012 йил 13 апрель
3	“Жиззах”	2013 йил 18 март
4	“Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон”, “Ҳазарасп”	2017 йил 12 январь
5	“Нукус-Фарм”, “Зомин-Фарм”, “Косонсой-Фарм”, “Сирдарё-Фарм”, “Бойсун-Фарм”, “Бўстонлиқ Фарм”, “Паркент-Фарм”	2017 йил 3 май
6	“Сирдарё”	2018 йил 12 апрель
7	“Бухоро-Аграр”	2018 йил 10 июль
8	“Андижон-Фарм”	2019 йил 14 январь
9	“Чироқчи” (ЭИЗ)	2019 йил 13 сентябрь
10	“Термиз” (ЭИЗ)	2020 йил 13 март
	Жами: 19 та	

Юқоридагилардан ташқари яна учта туризм ва битта балиқ хўжалигига ихтисослаштирилган иқтисодий зона ҳамда “Чорвоқ” эркин туристик зона ҳам мавжуд.

Мухтасар қилиб айтганда, кейинги йилларда мамлакатимизда инвестиция муҳити янада яхшиланиб бормоқда. Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар улуши сезиларли даражада ортмоқда. Масалан, 2015 йилда республика иқтисодиётига жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 1,9 миллиард долларни, ташкил этган бўлса, 2018 йилда 4,2 миллиард долларни, 2019 йилда 7 миллиард долларни, 2022 йилда эса 10 миллиард доллардан ортиши кутилмоқда.

Келгуси беш йилда иқтисодиётда юқори ўсиш суръатларини таъминлаш учун 120 миллиард доллар, жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестициялар жалб қилинади.

Инвестицион муҳитни қулайлиги сабабли хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, уларнинг рўйхатга олинган сонидан ишлаб турганлари 1996 йилда 1855 та, 2001 йилда 1958 та, 2005 йилда 2627 та, 2010 йилда 3995 та, 2016 йилда 4954 та бўлган бўлса 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра 113781 тани ташкил этди [11].

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, 2020 йил февраль ойида “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида” Қонун қабул қилинган бўлиб бу Қонун бўйича иқтисодий зоналарда рўйхатдан ўтган тадбиркорларга кўплаб имтиёзлар берилган, жумладан, ушбу тадбиркорлар инвестиция миқдоридан келиб чиқиб, мол-мулк, ер ва сув солиқларидан 10 йилгача озод қилинган эди.

Эндиликда ушбу имтиёзларга фойда солиғи ҳам қўшилади ва корхоналар ихтиёрида йилига қарийб 300 миллиард сўм маблағ қолади. Масалан “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасидаги “Темур Мед Фарм” корхонаси 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида 4 миллиард сўм фойда

солиғи тўлаган бўлса, иккинчи ярим йилликда эса камида шунча маблағ унинг ўзида қолади.

Қўшилган қиймат солиғининг узлуксиз занжирини яратиш бўйича ҳам катта ислохотлар олиб борилаёпти. Шу боис махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига қўшилган қиймат солиғининг ортиқча қисмини 7 кун ичида қайтариб бериш тартиби жорий қилинади. Бундай тартиб тадбиркорларга бир йилда ўртача 350 миллиард сўм қўшилган қиймат солиғини қисқа муддатда қайтариб олиш ва айланма маблағларини кўпайтириш имкониятини беради.

Бундан ташқари, четдан олиб келинган товарлар учун қўшилган қиймат солиғини 120 кун давомида бўлиб-бўлиб тўлашда тадбиркорларга фоиз ҳисобланмайди ва гаров талаб этилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2020 йили бошланган коронавирус пандемияси ва шу сабабли келиб чиққан иқтисодий инқироз глобал дунёнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон учун ҳам жиддий муаммоларни юзага келтирди. 2020 йилда Ўзбекистон ЯИМ ўсиши биров пасайди (1,6 фоиз ўсиш қайд этилди) аммо бу унча хавотирли эмасди, чунки Ўзбекистон эришилган ушбу даражага жаҳоннинг кўпчилик мамлакатлари эриша олмади.

2020 йилнинг оғир келиши, айниқса, коронавирус пандемияси дунё мамлакатлари қатори юртимизда ҳам кўпгина режаларни амалга оширишга жиддий салбий кўрсатди.

Шунга қарамай 2017-2020 йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси 18,3 фоизни ташкил этиб, ялпи маҳсулот 60 миллион долларга етди. Бу ҳақда гапирганда, ташқи савдо айланмаси 2016 йилдаги 24 миллиард доллардан 2020 йилда 36 миллиард долларга кўпайган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 369

триллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 23,4 фоизга ўсди. Натижада саноат маҳсулотларини ялпи ички маҳсулотдаги улуши 19,5 фоиздан 27,4 фоизга кўтарилди.

2021 йил биринчи ярим йиллигида республика иқтисодиёти 6,2 фоиз ўсиб, ЯИМ ҳажми 315,5 трлн. сўмга етди. Иқтисодий ўсиш саноатда – 8,5 қурилишда – 0,1, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 1,8 ҳамда хизматларда 8,0 фоизга таъминланган.

Келгуси 5 йилда иқтисодиётимиз ўсишини 1,5 баробарга ошириб, ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 100 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Мухтасар қилиб айтганда, бу юқорида қайд этилган самарали ижобий ишлар ва амалга оширилган чора-тадбирлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салмоқли даражада яхши таъсир кўрсатиб, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшиланишига ҳамда камбағаллик даражасини қисқартиришга олиб келмоқда. Масалан, 2016 йилда аҳоли жон бошига даромадлар 6215,9 сўм бўлса, 2020 йилда эса 12979,1 сўмни ўртача иш ҳақи эса мос равишда 1293,8 сўм, 2673,3 сўмни ташкил этди, ёки 2,1 баробарга ошди [13].

Хуллас хорижий инвестицияларни жалб қилиш, эркин иқтисодий зоналарни ҳамда саноат зоналарини ташкил қилиш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш бугунги кунда алоҳида аҳамиятга эгадир.

2022-2023 йилларда мамлакатимиз бўйича қўшимча 200 та саноат зонаси ташкил этилади. Уларнинг ҳар бирига камида 15 та корхонани жойлаштириш мўлжалланиб, электр, табиий газ, сув тармоқларига уланиш ва йўл инфратузилмасини яратиш тўлиқ давлатнинг зиммасида бўлади. Ушбу мақсадлар учун 2022 йилда Давлат бюджетидан 2 триллион сўм маблағ ажратилади ҳамда янги-янги инфратузилма тармоқлари барпо этилади [14].

Ушбу юқоридаги чора-тадбирларни амалга опшрилиши маҳсус эркин иқтисодий зоналарда янада кўпроқ иш ўрнини яратишга, барқарор иқтисодий ўсишга, экспорт салоҳиятини кенгайтиришга, аҳоли даромадларини оширишга ва ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаларида, янги Ўзбекистон газетасига берган интервьюсида ҳамда мамлакатимиз тадбиркорлари билан 2021 йил 20 августда очиқ мулоқат шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқида қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга имкон яратади ҳамда мамлакат иқтисодиётини янада кучли, барқарор мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорида ўзимизнинг мустақкам ўрни-

мизни эгаллаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш, камбағалликни қисқартириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни амалга оширишга олиб келади.

**Хулоса ва таклифлар.** Бугунги кунда республика бўйича 10 та эркин ишлаб чиқариш зонаси, 8 та фармацевтика, биттадан туризм, балиқ хўжалиги ҳамда агросаноат соҳасини ривожлантириш йўналишидаги эркин иқтисодий зоналар фаолият юритмоқда. Технопарк шаклидаги кичик саноат зоналари 9 та, 150 дан ортиқ кичик саноат зоналари ташкил қилинган. Уларда йилига жами 1,7 триллион сўмдан ортиқ қийматдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига эга 1700 га яқин кичик корхона фаолият юритяпти [7]. Энг муҳими, уларнинг барчаси эркин ва имтиёзлар асосида фаолият юритмоқда.

Кичик саноат зоналарида дирекциялар ташкил этилган. Кредит олиш ва банк хизматларидан фойдаланишда муаммо бўлмаслиги учун ҳар бир зонага муайян тижорат банки бириктирилган. Бозор талаблари ва импорт номенклатурасини ўрганиш асосида тадбиркорлар учун таклифлар, истиқболли лойиҳалар рўйхати шакллантирилган. Кичик саноат зонасида ишлайдиган субъектлар 2 йил барча солиқдан озод этилган.

Эркин иқтисодий зоналарда 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра умумий қиймати 3660,5 миллион долларга тенг (улардан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1544 миллион доллар) 629 лойиҳа маъқулланган. Уларнинг 158 таси ҳаётга татбиқ этилган, 431 таси амалга оширилмоқда, яна 40 таси эса истиқболли лойиҳадир. Хусусан, ўтган давр мобайнида маъмурий кенгашлар томонидан маъқулланган умумий қиймати 1045,5 миллион долларга тенг 158 лойиҳа амалга оширилган ва бунинг натижасида 9746 та иш ўрни яратилган. 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, фаолиятини бошлаган корхоналар томонидан жами 4,9 триллион сўмлик ишлаб чиқариш ҳажмига эришилган ва 197 турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган [8].

Биргина 2020 йил давомида жами эркин иқтисодий зоналари томонидан 12266,0 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган, молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 3793,0 млрд. сўм асосий капиталган инвестициялар жалб қилинган ва 10523 та янги иш ўринлари ташкил қилинган [9].

2021 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра мамлакатдаги эркин иқтисодий зоналарнинг сони 23 тага етди ва улар томонидан умумий қиймати 2,6 миллиард долларлик 453 та лойиҳа амалга оширилиб, 36 мингга яқин иш ўрни яратилган.

2021 йилда эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 1,1 миллиард доллар бўлган



332 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган.

2021 йилда 84 та туман ва шаҳарда саноат салоҳиятини янада ошириш учун 100 та технопарк, кичик саноат зоналари, ҳудудий кластер ва логистика марказлари ташкил этилади.

2021 йилда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини зарур инфратузилмалар билан таъминлаш учун 1,6 триллион сўм йўналтирилади [10].

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда сўнгги йилларда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тенденцияси ўсиб бормоқда. Уларда ташқи савдо ва инвестиция муносабатлари ривожланиб Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ҳамда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қув-

ватларининг ташкил этилишига эришилмоқда. Қувонарлиси, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ўсмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича шарт-шароитлар яратиш жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур вази-фаларни амалга оширишда айниқса, эркин иқтисодий зоналарни барпо этиш ижобий натижаларга олиб келиши жаҳон тажрибасидан маълум, шунинг учун ҳам мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолиятининг янада такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислохотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва қуриб битказилган янги саноат мажмуалари билан танишиш мақсадида 2019 йил 28 декабрь куни ушбу вилоятга таширифи материаллари. // Халқ сўзи, 2019 йил 29 декабрь.
2. Ўша ерда.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
4. Фармацевтика тармоғидаги лойиҳалар кўриб чиқилди. // Янги Ўзбекистон, 2021 йил 7 сентябрь.
5. Сапиев У. Янги лойиҳалар – минглаб иш ўрни демакдир. // Янги Ўзбекистон 2021 йил 20 август, 168-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари асосида тузилди.
7. Мардиев Б. Кичик саноат зоналарининг катта имкониятлари. XXI аср. 2020 йил 28 май.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати. Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолияти қониқарлими? // Халқ сўзи, 2019 йил. 6 февраль.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисига Муражаатномаси. (2020 йил 29 декабрь). XXI аср. 2020 йил 31 декабрь.
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тегшли йиллар учун статистик тўплам маълумотлари асосида тузилган.
12. Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2021 йил 1 сентябрь.
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 2021 йил 21 август.

**ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШДАГИ РИСКЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Султанов Рустам Бегдуллаевич -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Аннотация:** Мақолада инвестицион лойиҳаларни молиялашда юзага келадиган банк рискларини тартибга солишнинг амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Хусусан, инвестицион лойиҳа доирасида техника-технологиялар импорти учун хорижий корреспондент банкнинг субсидияланган ресурсини жалб этиш таклиф этилган. Шунингдек, хорижий корреспондент банк билан «доллар-сўм» кредит шартномаси асосида ресурс жалб қилиш орқали инвестицион лойиҳани сўмда молиялаштириш механизми ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** инвестицион лойиҳа, лойиҳани молиялаштириш, риск, рискни тартибга солиш, экспортёр, импортёр, субсидия, «доллар-сўм».

**ПУТИ РЕГУЛИРОВАНИЯ РИСКОВ ПРИ ФИНАНСИРОВАНИИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ**

**Султанов Рустам Бегдуллаевич -**  
Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются практические аспекты регулирования банковских рисков, возникающих при финансировании инвестиционных проектов. В частности, предлагается привлечь субсидированный ресурс иностранных банков-корреспондентов для импорта технологий. Также разработан механизм финансирования инвестиционного проекта в местной валюте путем привлечения ресурсов на основе кредитного соглашения «доллар-сум» с иностранным банком-корреспондентом.

**Ключевые слова:** инвестиционный проект, проектное финансирование, риск, регулирование рисками, экспортёр, импортёр, субсидия, «доллар-сум».